Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3-йил чиқиши
11 МАЙ 1968 Й.
ШАНБА
№ 108 (567)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОМСОМОЛ ТЎЙИГА

Алоқа электротехника институтида ВЛКСМ 50 йиллигига бағишланган конкурс эълон қилинди. Конкурс шартларига кўра студентлар ўзларининг илмий ишлари, техникавий конструкциялар, ўқув макетлари, фотография, расм, адабий ва музикавий асарлари билан иштирок этишлари мумкин. Конкурсда голиб чиққанлар туристик путёвка ва совғалар билан тақдирланади.

Океан оша

Тошкент товар станциясидан озодлик ороли — Куба пахтакорларига 20 та 17—ХВ—1,8 «зангори кема» корабли жўнатилди. «Ташсельмаш» заводининг бу «чаққон» машиналаридан дўст мамлакатларнинг деҳқонлари мамнун бўлишмоқда.

УЛУҒ МУТАФАККИР ТЎЙИГА

Фрунзе районидаги 144-ўрта мактабда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган куни-нинг 525 йиллигига қизғин тайёргарлик кўриляпти. «Навоий эллар-да ва дилларда» деб номланган катта стенд, шоирнинг усталик билан чизилган портрети, ғазаллари ва ҳамда «Хамса» асарига ишланган рангли расмлар киши диққатини ўзига тортади.

Стендни мактабнинг расм ўқитувчиси Хошимжон Камолов бошлиқ ёш рассомлар тўгараги аъзолари чизишган. Бу стенд А. Расулев, С. Салимжонов сингари қалбида рассом бўлишга талпинаётган ёш умид гунчалари интилиши самараси сифатида майдонга келган.

Р. Лутфуллаев Н. Мирсоатова, З. Ирлдошева, О. Ҳакимхўжаев каби ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари шоир юбилейига бағишлаб махсус альбом ва деворий газеталар тайёрлаб қўйдилар.

М. Абдуқодирова, Ҳ. Аширметова, Н. Содиқова, Л. Ҳотамова Ш. Ҳусанова, М. Тоҳиров сингари аълочи ўқувчилар кучи билан Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечалар, савол-жавоблар ўтказилиб, «Алишер Навоий» драмасидан саҳнага қўйишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир.

* * *

Мақом кечаси. Зал тўла одам. Ҳамма пардаларнинг кўтарилишини сабрсизлик билан кутмоқда. Ниҳоят парда кўтарилади...

Саҳнада қизлар. Улар шўх қўшиқни ижро этмоқдалар.

Бўлар политехника институти қурилиш факультетининг II курс талабаларидир.

Дарҳақиқат, факультетда хор капелласи тузилганига икки йил бўлди. Унга республикада хизмат кўрсатган артист Абдуқодир Султонов раҳбарлик қиляпти. Ҳорда 40 дан ортиқ қиз қатнашади. Бу оловкор қизлар шонли ҳаётимизнинг улуғ кунларига ўзларининг совғалари билан келмоқдалар. Бу ишда М. Аминова, М. Мирсандова, Д. Эргашева каби қизлар актив қатнашмоқдалар. Улар улуғ сиймо Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига ҳам ўз совғаларини тайёрлаётирлар.

●●●

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» САҲИФАЛАРИДА

● Болгария Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбар арбоблари 8 майда Москвада учрашдилар. Учрашув самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

● Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Владислав Гомулка, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Тодор Живков 9 майда Москвадан ватанларига жўнаб кетишди.

● Еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг III сессияси 14 май эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 13 май эрталаб соат 9 дан 14 гача ва соат 15 дан 20 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

«Подъёмник» заводининг коллективи Евгений Александрович Чернов номини ҳурмат билан тилга олади. Корхона йигув цехининг бу илғор ишчиси тайёрлаган маҳсулотлар сифати доимо аъло даражада бўлади. Е. А. Чернов шу кунларда беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошланган мусобақанинг олдинги сафида боряпти.
СУРАТДА: йигувчи- слесарь Е. А. Чернов.
М. Баржанов фотоси., (ЎзТАГ).

Ёшлар саҳнада

Бундан икки йил муқаддам Тошкентвино комбинати клуби қошида ўзбек музикали драма ва комедия студияси ташкил этилган эди. Ижодий камолот сари энди қадам қўяётганлигига қарамай студия бир неча саҳна асарларини намойиш қилиб, томошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Студиянинг «Мирзачўл» ва «Ўн тўрт комиссар» спектакларини томошабинлар яхши кутиб олди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишланиб кўрсатилган Уйғуннинг «Мирзачўл» пьесаси Бутуниттифоқ фестивалида олтин медаль ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Коллектив аъзолари шу кунларда Ўзбекистонда бўладиган қардош тожик адабиёти ва санъати декадасига бағишлаб, тожик драматурги Шамси Қиёмовнинг «Севги қиссаси» номли уч пардали музикали комедиясини тайёрлашмоқда. Бу комедияда талантли ишчи-ёшлардан Т. Умрзоқов—Холназар ролида, Г. Назимова унинг хотини ролида, Б. Набиев —Зариф ролида, Ф. Эшонқулова — Қумри ролида, А. Бозорбоев рассом Толиб ролида чиқишади.

— Бу йилги режаларимиз катта,— дейди студиянинг бадиий раҳбари ва режиссёри М. Фатхов. — Биз буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига бағишлаб «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасини, Ленин комсомолининг 50 йиллигига бағишлаб А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи асосида ишланган инценировкани томошабинларга кўрсатишга ҳозирлик кўрмоқдамиз.

Студиянинг музика раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фазиҳожиев Файзи, ўйинларни саҳналаштирувчи Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Р. Султоновлар ҳар бир постановканинг жозибали чиқиши учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

ИШЧИ-МУХБИРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг клубида ишчи-мухбирларнинг йиғилиши бўлди. Унда республикамизнинг Андижон, Самарқанд, Бухоро областларидан, «Қаршинефтегазразведка», «Тошкентгеология», «Ўзбекгидрогеология», «Ўзбекгеофизика» ташкилотларидан келган ишчи-мухбирлар қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Геология министри ўринбосари А. Ғ. Аҳмадбоев очиб, ишчи-мухбирларнинг қизғин табриклади ва «Шу куннинг матбуоти ҳақида» доклад қилди.

Шундан кейин «Ўзбекистон геологоразведкачиси» газетасининг редактори Г. И. Леонтьев газетанинг ишчи-мухбирлар билан алоқаси ва иши ҳақида гапирди, редактор ўринбосари Д. Кучеренко ташкилотларда чиқаётган деворий газеталарга обзор бериб ўтди.

Областлардан келган ишчи-мухбирлар эса «Ўзбекистон геологоразведкачиси» газетасининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида батафсил гапирдилар.

Йиғилиш охирида Ўзбекистон ССР тоғ-кидирув ишлари ишчилари касаба союзи раиси А. И. Будагов «Ўзбекистон геологоразведкачиси» газетасининг илғор ишчи-мухбирларига Фахрий ёрлиқлар топширди.



1-Киев қурилиш-монтаж поезднинг қўли гул бинокорлари шаҳримизда тўққиз қаватли уй қурилишини бошлаб юборишди. 198-квартирали бу бино қуришда И. Кузьменко, Н. Никитенко ва А. Калашников бригадалари жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Т. КАРИМОВ фотоси.

БУГУН— ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

Қурилиш бригадалари

Университетнинг турли факультетларида қурилиш бригадалари ташкил қилинмоқда. Студентлар ўзларининг ёзги каникулларини Тошкент, Новосибирск, Қозоғистон ерларидаги қурилиш майдонларида ўтказадилар.

Поэзия театри

Яқинда ташкил этилган поэзия театри тўгараги машғулотларида шеър, проза ва театр санъати мухлислари қатнашмоқдалар. Дарсларга университетнинг таниқли ўқитувчилари, шоир ва ёзувчилар раҳбарлик қилишмоқда. Ҳар хафтада уч марта ўтказилувчи дарсларда ёш талантларнинг асарлари ҳам кенг муҳокама қилинади.

Самарқандда 36 соат

Университет филология факультетининг бир группа студентлари қадимий шаҳар—Самарқандда бўлиб, унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб қайтганларидан сўнг ўз сафар таассуротларини ҳикоя қилувчи фотомонтаж ташкил этишга киришган эдилар. Мана яқинда факультет биносида «Самарқандда 36 соат» деган темада катта фотомонтаж ташкил этилди. Унда қадимий ва навқирон шаҳар кўринишлари акс эттирилган.

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

Доҳийга бағишлаб

Республика мактабгача музика билим юртида В. И. Ленинга бағишлаб энг яхши қўшиқларни куйлаш конкурси ўтказилди.

Талантлар мусобақаси катта тайёргарлик ва зўр қизиқиш билан ўтди. Унда республикамизнинг турли районларидан келган кўпгина ўзбек қизларидан ташқари қардош миллатларнинг вакиллари ҳам актив қатнашдилар. Конкурсда доҳийга бағишланган қўшиқлар ижро этилиб, энг яхши ва пухта асарлар дўхийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш программасига киритилди.

Янги ўқув йилида В. И. Ленинга бағишлаб бир неча темалар бўйича конкурслар ўтказиш ва доҳий туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида анчагина ишларни амалга оширишни мўлжалланмоқда.

Ф. СОДИҚОВА.
билим юрти ўқитувчиси.

«Каклик» хизматда

1-автомобиль ремонти заводи қошидаги «Каклик» қаҳвахонасининг шуҳрати фақат заводдагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам кенг ёйилган. «Бизнинг қаҳвахонамиз шаҳардаги ҳар қандай қаҳвахоналар билан баҳслаша олади», дейишади корхонанинг ишчи хизматчилари.

Дарҳақиқат, заводнинг меҳнатчилари бу ерга мазали таомларни тановвул қилишгагина эмас, балки бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, юбилей кечалари, қизиқ-қизиқ учрашувларга ҳам тўпланган келишади. Бир сўз билан айтганда, қаҳвахона ишчиларнинг энг севимли жойларидан бирига айланган.

Яқиндан бошлаб, бу ерда «Хизмат кўрсатиш бюроси» ишлай бошлади. Бу ҳақда қаҳвахонанинг мудири М. Х. Набиева шундай дейди:

—«Хизмат кўрсатиш бюро»сини ташкил қилишдан ишчиларга қулайлик тугдириш, уларнинг вақтини тежаб-тергашдир. Гап шундаки, биз завод ишчи-хизматчиларидан ярим фабрикат, маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан буюртмалар қабул қиламиз. Бу буюртмалар саккиз соат ичида бажарилади. Ишчилар эса тежалган вақтлари ҳисобига дам олишлари мумкин.

Дарҳақиқат тўғри ташкил қилинган Корхонанинг ишчи-хизматчилари «Каклик» хизматидан ҳурсанд бўлмоқдалар.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Чақар маҳалласида 1-Тошкент ёнилғи базасига қарашли эски 24-магазин ўрнига янги чиройли магазин қурилиб, фойдаланишга топширилди.

◆

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ «ЯНГИОБОД» МАҲАЛЛАСИНИ Н Г 500 ХОНАДОНИ ТАБИИЙ ГАЗ ОЛИШ АРАФАСИДА. ҲОЗИР БУ ЕРДАГИ КУЧАЛАРГА ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ЕТКИЗИЛМОҚДА.

ТРАМВАЙ «ДОКТОР»ЛАРИ

Ҳа, ажабланманг. 2-трамвай депосида ажойиб трамвай «доктор»лари истаганча топилади. Улар ҳар куни кечаси ўз «поликлиника» ларига келиб «касал» трамвайларини кўрикдан ўтказиб, қаттиқ «ярадор»ларни махсус қайта ремонт устахонасига юборадилар.

Вафо Бақоев, Абдусамад Абдуллаев, Шукур Асимов, Мурод Альбеков, Юрий Журавлев ўртоқларнинг номлари 2-трамвай депосида жуда ҳурмат билан тилга олинади. Ўз касбини севган бу усталар ҳар куни ўнлаб трамвай вагонларини ремонт қилиб, ишдан чиққан қисмларини янгиламоқдалар.

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОП

Украинанинг Сума шаҳрида электрон микроскоп ва электр автоматика заводи мутахассислари физика илмий-текшириш институтининг ходимлари билан ҳамкорликда янги «РЭММА» асбоби—электрон микроскоп анализаторлар тайёрладилар. У шу типдаги микроскоплардан фарқ қилади. Текширилаётган модда сатҳининг микроскопик қурилишини аниқ кўрсатади. Масалан, унинг воситаси билан магнит плёнкасидаги магнит рельефини аниқ кўриш, қандайдир ярим ўтказгични аниқлаш мумкин.

Янги микроскопда ниҳоят кичик объектларни аниқлаш нозик электрон нури —зондан фойдаланиш туфайли мумкин бўлди. Уни электрон магнит майдони воситаси билан амалга оширилди.

«РЭММА» фақат кўриш имкониятини бериб қолмай, текширилаётган буюмнинг кимёвий ва хосса хусусиятини ҳам анализ қилиш имкониятини беради. Микроскоп воситаси билан ҳужайрани текшириб маргумуш заҳарланган ҳужайрани аниқлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда янги асбоб металлургия, биология, химия, минералогия ва фаннинг бошқа соҳасида ишлаётган олимлар учун жуда катта ёрдамчи бўлади.

СУРАТДА: электрон микроскопларни йиғиш цехида. Биринчи қаторда «РЭММА» микроскопи намунасини тайёрлаш.

В. Акимов фотоси. АПН.



«Олтин поезд»

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ёш гвардия» нашриёти Юрий Дмитриевкинг «Олтин поезд» номли саргузашт қисса ва қаҳрамонлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарини босмадан чиқарди. Асарда, ўқувчи революциянинг жасоратли қаҳрамонлари билан яна бир бор учрашади. Асарни Аҳмаджон Ёқубов таржима қилган.

СОФИЯ ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивали очиладиган кунга уч ойдан камроқ вақт қолди. Болгария пойтахтида 120 дан кўпроқ мамлакат вакилларини муносиб кутиб олиш учун зўр бериб тайёргарлик кўрилмоқда. Фестиваль қатнашчилари томошалар кўрсатадиган театр ва концерт заллари меҳмонларни қабул қилиш учун тайёрланмоқда, янги-янги спорт майдончалари, эстрадалар, ресторанлар, кафелар, павильонлар барпо этилмоқда. Кўчалар, майдонлар ва паркларни тематик жиҳатдан безаш устида 60 дан кўпроқ ёш рассом иш олиб бормоқда.

Эсдалик открыткалари, альбомлар, плакатлар оммавий тираж билан чиқарилмоқда. Ёшларнинг жаҳон форумига бағишланган маркаларнинг биринчи сериясини чиқарилди. Кўплаб ёдгорлик значоклари, ёғоч ва металлдан ишланган нарсалар, сопол буюмлар, бадиий каштаналар тайёрлаб қўйилди. Булар пойтахт магазинларида ва юзлаб киоскаларда сотилади.

(ТАСС).

Уч ярим йилдан буён Шарқий Африкадаги Португалия мустамлакаси Мозамбик халқи чет эл босқинчиларига қарши озодлик курашини давом эттирмоқдалар. ФРЕЛИМО қуролли отрядлари—миллий озодлик фронти Португалия малайларига зарба беришмоқда.
Озод қилинган районларда янги ҳаёт тузилмоқда.
СУРАТДА: Мозамбик халқ озодлик фронти отряди йўлда.
НБН—АПН фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ХАТАРЛИ ВИЗИТЛАР

ТОКИО, 9 май. (ТАСС). Американинг «Суордфиш» сув ости атом кемасидан одатдан ташқари кўп миқдорда радиактив моддалар чиқиб кетганлиги сабабли Японияниг Сасэбо порти аҳолиси жиддий хавф остида қолди. Шу можаро муносабати билан Япония жамоатчилиги АҚШ ва Япония ҳукуматларига газабли норозиликлар йўлламоқда. Япония Коммунистик партияси, Япония Социалистик партияси, шунингдек бошқа оппозициячи партиялар ўзларининг норозилик баёнотларида Американинг сув остн атом кемалари Япония портларига киришини дарҳол тақиқлаб қўйишни Япония ҳукуматидан талаб қилмоқдалар. «Суордфиш» сув ости атом кемаси билан бўлган можаро, дейилади мазкур баёнотларда, АҚШнинг сув ости атом кемалари Япония портларига келиб кетаётганлиги асло хатарли эмас, деб Қўшма Штатлар кетидан Япония ҳукумати ҳам такрорлаётган гапларни яна бир марта рад қилди.

ВЬЕТНАМДА ТИНЧЛИК БЎЛИШИ УЧУН

СТОКГОЛЬМ. Вьетнам халқининг қураши билан бирдамликка бағишланиб, Швеция жанубидаги энг йирик шаҳар Лундда жуда катта намойиш бўлди. Намойишчиларнинг колонналари шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтишди.

БОНН. Европадаги Америка қуролли кучлари штаби жойлашган территориянинг дарвозаси олдида студентларнинг энг қадимий шаҳри бўлган Гейдельберг студентларидан юзлаб кишилар тўпланди. Улар Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг байроқларини, қизил байроқлар ҳамда Вьетнамдаги урушда қатнашишдан Америка солдатларини бош тортишга даъват қилувчи шиорлар ёзилган транспарантларни кўтариб келишди. Сўнгра намойишчилар Америка штабининг дарвозаси олдида ўтириб олиб, норозилик забастовкаси ўтказишди.

Ғарбий Германиянинг энг катта шаҳарларидан бири бўлган Мюнхендаги Америка қўшинлари казармалари олдида ҳам худди шундай намойиш ўтказилди. Намойиш қатнашчилари Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик шиорларн ёзилган варақаларни тарқатдилар ва радио карнайлари орқали Америка солдатларига мурожаат қилиб, уларни Вьетнамга боришдан бош тортишга чақирдилар.

(ТАСС).

ПАРДОЗЛАШ ҚИЗҒИН

Чилонзор массивининг 12-квартали кундан-кунга гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Шу кварталнинг М. Шайхзода, Забаш кўчаларига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган эди. Ҳозир ниҳоллар яхши парвариш туфайли барқ уриб ўсмоқда. Кўчат тагларидаги ёмғирлатиб, вақтида сув қуйилиб турибди.

Ш. АҲМЕДОВ.

✦ ✦ ✦

Марказий дорихона омборининг ишчи ва хизматчилари омбор территориясига 3300 га яқин ток, мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини ўтказган эдилар. Кўчатлар барқ уриб ўсса ишчи ва хизматчилар, харидорлар ёзнинг иссиқ кунлари соя-салқинда ҳордиқ чиқариб дам оладилар. Шунинг учун ҳозир ариқлар тозаланиб, ниҳоллар яхши парвариш қилинмоқда.

А. ЕҚУБОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Тошкент темир йўли бўлимининг вагон созловчиларидан Ориф Хамидов ва Носир Зокиров ўртоқлар муҳим халқ хўжалиги юкларини ортилган составларнинг нормал ҳаракатига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳисобланган вагон созловчи-ремонтчиларидан Ориф Хамидов (чапда) ва Носир Зокиров ўртоқлар яқин ва узоқ манзилларга жўнатилаётган муҳим халқ хўжалиги юклари ортилган составларнинг нормал ҳаракатини ўз вақтида таъминлаб турадилар.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) О. Хамидов ва Н. Зокиров ўртоқлар.

* * *

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини электрлаштириш республика электр механика корхонасининг пешқадам электрпайвандчиси Марат Акбаров беш йиллик меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена ва ойлик топшириқларини бир ярим баравар адо этмоқда. Бу зарбдор энергетик ишчи беш йилликни муддатидан анча илгари бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: электр пайвандчи М. Акбаров.

* * *

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими Салор станциясининг коллективи халқ хўжалиги учун зарур бўлган юкларни ўз вақтида бетўхтов етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилаётир. Станция темир йўлчилари бир суткада 500 дан ортиқ вагонни қайта тузиб, зарур халқ хўжалиги юкларини ортилган бу составларни ўз вақтида жўнатилишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

СУРАТДА: Салор станциясининг илғор вагон тузувчиси коммунистик меҳнат зарбдори Алексей Шелухин навбатдаги составни жўнатишга тайёрламоқда.

М. Нуриддинов фотоларни.

ЯРАТУВЧИЛАР

Бу меҳнат даргоҳи «бошқа осмонга, оёғи ерга тегмас» дея таърифланувчи афсонавий қошоналарни эслатади. Гўё кўкси устун кўрмаган, аъло вужудини тиргаклар елкасига ташламагандек туюлади кишига. Аслида ушбу улкан корхона биноси ҳам металл устунлар ёрдамида қад кўтарган. Бу виқорлик устунларнинг оралиғи жуда узоқ бўлишига қарамай, моҳирлик билан ўрнатилганлиги туфайли, шарафли вазифани ўтаётган фахрий қоровулдек ўз «постида» мардона турибдилар.

Бинонинг юксак томи эса, қудратли металл фермалар кафтидир. Бино қучоғида ҳаёт қайнайди. Унда меҳнат қилаётган электр пайвандчилар, осма кранларни бошқараётган қизлар, устаси фаранг арматурачилар, 300 маркали тайёр бетонни металл қолипларга жойлаштириб, қолипидан кўчираётган забардаст ишчилардан тортиб лойиҳа узра бош қотираётган инженерларгача, ҳамма-ҳаммаси фақат бир мақсад йўлида — у ҳам бўлса қуриш, яратиш борасида меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, яқиндагина иш бошлаган Қўйлиқдаги 3-уйсозлик комбинатининг 400 нафар меҳнат аҳли ана шундай эзгу ният билан тер тўкмоқда.

Комбинат биринчи марта йирик панел конструкцияларини 1967 йил 14 июлдан бошлаб чиқара бошлади. Шундан буён қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати ҳам яхшиланди. Шу кунларда корхона коллективи 4-9 қаватли турар жой биноларига мўлжалланган йирик панел конструкцияларини тайёрламоқда.

Дастлаб, ишлар ҳадеганда юришавермади. Мутахассислар ишлаб чиқариш жараёнида гоҳо қийинчиликларга ҳам дуч келдилар, бунинг сабаби бор: корхонага асбоб-ускуналар, металл қолиплар, шунингдек, ҳар хил лойиҳалар Франциядан келтирилган эди. Ер тебранишини ҳисобга олмай тузилган бу лойиҳаларни Ўрта Осиё шароитига мослаш лозим бўлиб қолди.

Корхонанинг инженер-техник ходимлари бу масалани ижобий ҳал қилдилар. Лойиҳалар қайта кўриб чиқилиб, айрим ўзгартишлар киритилди: панел конструкциялари орасига қўйиладиган металл сеткалар ер қимирлашга бардош берувчи кучли арматуралардан тўқила бошланди.

О. ТЎХТАНАЗАРОВ.

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

ОТАХОН МУРАББИЙ

Республикамизда ҳуқуқ ва давлатшунослик фанининг туғилиши ва ривожланишида бу фан билан боғлиқ бўлган ўқув ва илмий муассасаларни ташкил қилиш, юрист ходим ва илмий кадрларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштиришда ўзининг юрак ҳарорати ва тажрибасини аямай сарфлаган Зоиджек Иноможоновнинг қўшган ҳиссаси ҳам анча салмоқлидир.

Буюк Октябрь қуёши аравакаш ва ҳаммол оиласида оламга келган Зоидбек акани ҳам социализмнинг беминнат, сермашаққат меваларидан баҳраманд қилди.

Илм-фанга бўлган иштиёқи Зоидбек аканинг давлат ва жамоат арбоби, етук олим ва жонкуяр тарбиячи бўлиб етишишига сабаб бўлди.

У 1927 йилда Самарқанд юридик техникумини ва 1930 йилда САГУнинг ишчи факультетини тамомлайди. сўнг Тошкентдаги совет ҳуқуқи илмий-текшириш институтининг аспирантурасини тугатади.

Иноможоновнинг илмий-педагогик фаолияти 1931 йилда — Ўрта Осиё коммунистик университетининг совет қурилиши кафедрасида ишлашдан бошланди. 1932 йилдан то ҳозиргача ТошДУнинг юридик факультети давлат ҳуқуқи кафедрасида ишлаб келмоқда.

Зоидбек ака Иноможонов 1931-1935 йилларда ЎзССР Советлари МИК раисининг ёрдамчиси, кейинчалик Бутуниттифоқ юридик сиртқи институти Тошкент филиалининг ва Тошкент юридик институтининг директори лавозимида ишлади.

Иноможоновнинг 50 босма листдан ортиқ турли темаларда илмий ишлари нашр этилган.

Иноможонов хусусан халқаро ҳуқуқнинг етук ўқитувчисидир. Домла узоқ йиллик хизматлари учун партия ва давлат органларимиз томонидан Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

60 ёшга тўлган шонли кунингиз д а сиз ҳурматли домламизга сиҳат-саломатлик ва илмий-педагогик фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Б. САМАДХЎЖАЕВ, Р. ҚАЮМОВ, С. СУЛТОНОВ, юридик фанлари кандидатлари.

Баллипорндаги 33 ёшлик (Ирландия) Майк Минн ном чиқаришнинг ажойиб йўлини топди. У 55 нун уч метр чуқурликка кўмилган тобут ичида ётди. Шу билан янги «жаҳон» рекорди қўйди. Тўғри унинг товути ниҳоят яхши жиҳозланган эди. У ерга махсус найча орқали сув ва озиқ-овқат бериб туридди. Электр чироқ ўтказилди. Майк газета ва китоб ўқиши учун шароит яратилди. У ер остида фотоаппарат билан ўзининг суратини олди.

АП—АПН фотоси.

● *РЕДАКЦИЯГА ХАТ*

ЎЗБЕКЧА ОТКРИТКАЛАР БЎЛСИН

Байрамлар, ҳаётда бўладиган унутилмас воқеалар билан қариндош-уруғларни, ёр-биродарларни табриклаш халқимизнинг яхши одатларидандир. Ўзбек халқининг донолари, шоир ва файласуфлари бисотида, битмас-туганмас маънавий хазинадар бўлган халқ мақолларида открыткалар боп ажойиб гаплар бор. Ана шундай доно гаплар, мисралар она тилимизда ёзилган ўзбекча открыткалар чиқарилса айни муддао бўларди.

Мен районларда олис, чекка қишлоқларда яшаётган ва рус тилини билмайдиган қариндошларим ва дўстларимга ҳар сафар табрик ёзганда шу ҳақда ўйлайман.

«Ўзбекистон» нашриёти ўзбекча открыткалар чиқарса, бир-биримизни она тилимизда байрам табриклари билан қутлаш, янги рўзғорларни, янги уйларни муборакбод қилишимизга, яна қулайлик тугдирган бўларди.

А. АБДУҚОДИРОВ, медицина ходими.

●●●

НОЁБ ТОВАРЛАР КУНИ

Ҳурматли редакция! 29 мартда «Тошкент оқшоми»да босилган «Бу бозордан ҳамма безор» сарлавҳали мақолани дўстлар даврасида ўқиган эдик.

Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси шароитида биз магазинларни айланиб, зарур товар ва буюмларни излаш имкониятига эга эмасмиз. Эгри қўл чойковчилар эса пулни белига тугиб- бутун ҳафта давомида савдо тармоқларини кезиб юрадилар. Якшанба кунлари эса энг йирик савдо марказларининг ҳаммаси ёпиқ бўлади. Биз зарур буюмни тополмай бозор кезишга мажбурмиз.

Савдо ташкилотлари шанба ва якшанбани атлас, нейлон кўйлак, балонья плашч, чинни буюм каби ноёб товарлар сотиладиган кунга айлантирсалар яхши бўларди.

А. ҚОДИРОВ.

БЕЗОРИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Кўлига қизил боғлаб, кўча айланаётган дружиначи, жамоатчи автоинспектор, ўртоқлик суди эндиликда ҳеч кимни ҳайратлантирмайди.

Вазифа ҳар қандай жиноятни, ҳатто кичик бўлса ҳам жамоатга қарши иш тутаётган кишини аниқлаш ва тартибга чақиришдан иборат. Демак, фақат қонунни бузган, жамиятга қарши иш тутган, тартибни бузган кишигина эмас, балки ҳатто озгина бўлса ҳам тартибни бузган кишн ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бунда эса жамоатчиликнинг кенг иштирок этиши талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят содир бўлмасдан, илдиз отмасдан туриб унинг олдини олиш керак. Ҳозир асосий вазифа фақат шундан иборат.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри Шарқдаги йирик саноат ва маданият марказларидан бирига айланмоқда. Сўнгги йилларда транспорт айниқса кўпайди. Миниглаб трамвай, троллейбус, автобус ва автомобиллар шаҳар аҳолисига хизмат қилмоқда. Бунинг устига кўпгина кишилар ўз шахсий машиналарига ҳам эга.

Бундай ҳолда транспорт қатнови қондасини озгина бузиш, куча хавфсизлигига хилоф иш тутиш — авария ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

Ҳатто ўз ишини яхши билган малакали ҳайдовчи ҳам ниҳоят ҳушёр бўлиши, кўчада юриш қоидаларига риоя қилиши лозим. Шундай экан, машина бошқараётган ҳар бир киши зийрак бўлиши, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳамиша ҳушёр бўлиши лозим.

Сўнгги пайтларда Тошкентда автомашиналарни ўғирлаб кетиш ҳоллари содир бўлмоқда. Суд текширишларидан шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик ҳолларда машина бошқаришга мутлақо ҳужжати бўлмаган кишилар машиналарни ҳайдаб кетишмоқда.

Машина ўғирлашнинг энг катта хавфи шундаки, улар йўл-йўлакай кишиларнн бостириб кетишлари мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР жиноят қонунлари Кодексида автомашинани ҳайдаб кетган кишн насснн ўғирлаб кетганлигн учун жазоланди.

Кўпчилик ҳолларда машина ўғирлаш ўсмирлар ўртасида содир бўлмоқда. Олой бозоридан 69-ишчи-ёшлар мактабининг 8-синф ўқувчиси Виктор Вишневский машинани ўғирлаб кетди.

Тўғри, маъмурий ва суд органлари автотранспорт ўғирларига қарши қатъий кураш олиб борадилар. Лекин шу билан бирга ташкилот бошлиқларн ва машина ҳайдовчиларига ҳам ҳушёрликни қўлдан бой берганликлари учун катта таъна қиламиз.

Суд ишида маълум бўлишича, баъзи машина ҳайдовчилар машиналарини истаган жойга қўйиб кетганлар. Иш вақтида машинадан узоқлашганликлари сабабли уларнинг машинаси ўғирланган.

Бу жиноятнинг олдини олиш учун шаҳарда машина ҳайдовчилар билан таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш лозим. Унда Давлат автоинспекцияси ходимларн зиммасига катта вазифалар юкланади.

Кўча хавфсизлиги қоидаларини бузган ҳар қандай киши жазодан қочиб қутулмаслиги лозим. Фақат шу йўл билангина автотранспорт ишини яхшилаш ҳамда машинани олиб қочувчи кишилар йўлини тўсиш мумкин.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар халқ суди-нинг раиси.

ҲАММОМ ҲАНГОМАСИ

Посёлкамиз ўртасидаги 25-ҳаммом трубасидан бурқсиб чиқаётган қурим ҳамма ёқни қоплаб ётади. Унинг дастидан на ҳовлида яйраб юра оласиз, на ювилган кийим-кечакларингизни ёя оласиз. Уй ичида ҳам «тинчлик» йўқ. Очиқ дераза, эшикдан кирган қуримдан ҳамма нарса кир бўлади. Чойшаб, дарпардаларни кўриб бўлмайди, ифлос.

Бундан икки-уч йил илгари ҳаммом кўмир билан иситилар, қурим ҳам йўқ эди. Ҳозир эса мазут ёқиляпти. Ҳаммомнинг аҳволига ҳам қараб бўлмайди. Илгари ҳавас билан тушадиган бу ҳаммомда ҳозирда кишилар деярли кўринмайди. Ҳеч қандай сабабсиз ишлаб турган газ-сув будкаси ёпиб қўйилди. Ҳаммом қошидаги сартарош Раззоқовнинг кўпол муомаласидан эса мушук ҳуркади.

Ҳаммом директори ўртоқ Пирмуҳамедовнинг парвойи палак. Димоғи шишган директор кунига ярим соатча ишда кўринади. Кейин уни чироқ ёқиб тополмайсиз.

Ҳар қандай номаъқулчиликнинг ҳам чеки бўлади. Шундай экан, биз, маҳалла аҳолиси 25-ҳаммомда тартиб ўрнатилишини талаб қиламиз.

Маҳалла аҳолиси номидан:

МАТҚОСИМОВ, УСМОНОВ, УБАЙДУЛЛАЕВ, ЗОҲИДОВ, ва бошқалар.

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИНИНГ ИФТИХОРИ

(ФУЗУЛИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 470 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Фузулий тахаллуси билан фақат Озарбайжондагина эмас, балки бутун Яқин Шарқ, Ўрта Осиё ва бошқа бир қанча халқлар орасида шуҳрат қозонган Муҳаммад Сулаймон ўғли XV — XVI асрлар Озарбайжон адабиётининг улуғ намояндаларидан биридир. Фузулий тахминан 1498 йилда Бағдод яқинидаги Карбало шаҳрида дунёга келади. Бўлажак хассос лирик шоирнинг отаси Муҳаммад Сулаймон оиласи XV асрнинг ўрталарида Озарбайжондаги сиёсий-ижтисодий вазиятнинг кескинлиги туфайли Баёт қабиласига мансуб бўлган мингларча оилалар билан биргаликда Ўрта асрнинг маданий марказларидан ҳисобланган Бағдод шаҳри атрофига кўчиб боради.

Фузулийнинг ёшлик йиллари Озарбайжонда шоҳ Исмоил Сафавий ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу давр нисбатан Озарбайжон тили ва маданиятининг ўсиши билан характерланади. Фузулийнинг отаси ўғлига ўз даврига кўра яхши билим беришга ҳаракат қилади. У дастлаб Хожи Раҳматуллоҳ исмли олимдан таълим олади. Сўнгра мадрасада ўқийди. Фузулий мадрасада араб-форс тилларини, мантиқ, фалсафа, астрономия, табиёт ва бошқа фанларни асосли равишда ўрганади.

Фузулийнинг мадраса ҳаёти, ундан кейинги мустақил мутолааси улуғ мутафаккир ва истеъдодли шоир бўлиб етишига замин ҳозирлайди. Фузулий ўз асарларини жуда ёшлигиданоқ араб, форс ва турк (озарбайжон) тилларида ёза бошлади. Ҳар уч тилда мукаммал лирик асарлардан иборат девон тузган.

Фузулий ўз даври адабий ҳаракатида маъжуд бўлган хилма-хил адабий жанрларда ижод этди. Ундан бизгача юқоридаги уч девондан ташқари, «Бангу Бода», «Сиҳат ва мараз», «Суҳбат ул-асмор» («Мевалар мунозараси»), «Ҳафти жом» ёки «Соқинома» номли аллегорик-мажозий характердаги асарлар, «Матлаъ ул-эътиқод» номли фалсафий ҳамда «Ҳадиқат-ус-суадо» («Бахтлар боғи») номли диний прозаик қисса, шунингдек, сиёсий-ижтимоий мазмундаги «Шикоятнома» номли насрий рисоласи, «Лайли ва Мажнун» номли лирик эпик ишқий достони ва бошқа бир қанча масналвийлари етиб келди.

Фузулийнинг юқоридаги асарлари фақат Озарбайжон адабиётининг ривожигагина таъсир этиб қолмасдан, балки ижтимоий-маданий турмуши бир-бирига яқин бўлган бошқа туркий халқлар адабиётининг ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Фузулийнинг қардош халқлар орасида шуҳратини оширган энг аввало шоирнинг буюк маҳорат билан яратилган лирик асарлари ҳамда ишқ-муҳаббатни тараннум этувчи «Лайли ва Мажнун» достонидир.

Фузулий ўз ижодида ишқий лириканинг абадий барҳаёт намуналарини яратди. Унинг лирик шеърларининг бош мавзуи — муҳаббатдир. Инсон қалбининг бу олижаноб туйғусини ҳассос шоир моҳир санъаткор сифатида шундай куйлайди.

Сабо ағёрдин пинҳон, ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёримни ҳоли харобимдан хабардор эт.
Бани парвонатак рашк ўдина, ей шам ёндирма,
Етар, хуршиди рухсоринг чироғи базмни агёр эт.

ёки:

Жон берма ғами ишқаки ишқ офати жондир
Ишқ офати жон ўлгани машҳури жаҳондир

Фузулий ўз ижодида ҳақиқий инсонни, унинг ҳис-туйғусини улуғлайди. Инсон ғўзаллигини таъбиатнинг ҳар қандай мўъжизасидан юқори қўяди. Шоир бу кайфиятни ўз маъшуқасига мурожаат қилиб, шундай ифодалайди:

Қонги гулшан гулбуни, сарфи хиромонингча вор.
Қонги гулбун узра ғунча, лаъли хандонингча вор.
Қонги гулзор ичра бир гул очилур ҳуснинг киби,
Қонги гул барги лаби лаъли дурафшонингча вор.

Шоир ўз поэзиясида муҳаббат лирикаси фонида ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳам у ёки бу даражада қаламга олади. Айниқса дин аҳлларизоҳидлар, воизларнинг кирдикорларини қаттиқ танқид этади. Улар бутун чоралар билан «ишқи илоҳий»ни мадҳ этаётган бир пайтда шоир ҳақиқий инсоний ишқ-муҳаббат ҳақида ҳароратли сатрларда ишқ аҳлини улуғлаб, зоҳидларнинг олижаноб инсоний ҳис-туйғудан бебаҳралиларини шундай таъсирлайди:

Муҳаббат лаззатидан бе баҳрадир зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқи зеҳнин завқи ишқивор ўландан сўр.

ёки:

Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат учун,
Шарҳ айлаки жаннатда на вор, ей воиз?

Фузулий ўзининг илғор ғоя ва юксак бадиий маҳорат билан ёзилган асарлари орқали ўзбек халқи орасида ҳам кенг шуҳрат қозонди. Унинг асарлари Октябрь революциясигача қўлёзма, тош босма усуллари билан кенг ёйилди. Ўзбек адабиётининг XVII — XIX асрлар орасида ижод этган бир қанча намояндалари улуғ Алишер Навоий билан бир қаторда Фузулийнинг ҳам илғор ҳаётбахш анъаналарини муваффақият билан давом эттирдилар.

Чунончи Фузулийнинг:

Дўст-бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Гар анда ҳам гўрунмаса гал кўр қисмати,

деб бошланувчи машҳур ғазалига ўхшатиб тахлантли шоир Огаҳий ёзади:

Ҳар тун тужум дема сочилган сиришк эрур,
Йиглати баски чархни охим сироати,
Лутф ила саргузаштим эшит бўлмайин малул,
Ким гулга хуш кўрунгуси булбул ҳикояти.

Ўзбек классик адабиётининг яна бир қанча шоирлари ижодидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. улар ҳам Фузулийга эргашиб, унинг юксак маҳоратидан илҳомланиб, сермазмун бадиий асарлар яратган. Уларнинг кўпчилиги Фузулий ғазалларига муносиб мухаммаслар боғлаган. Аҳмад Табибий, Мирзо каби шоирлар Фузулийнинг форс тилидаги «Бангу Бода», «Ҳафт жом» («Етти жом») каби асарларини ўзбек тилига муваффақият билан таржима қилиш. ган. Фузулийнинг дилрабо ғазал-мухаммаслари, куйларга солиниб, халқимизнинг хуш овоз санъаткор хонандалари томонидан тўй-тантаналарда, шодиёналарда куйланиб келмоқда.

Фузулийнинг китоблари ўзбек китобхонининг маънавий эстетик эҳтиёжини тарбиялаб устиришда Лутфий, Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Нодира, Увайсий каби бир неча ўнлаб талантли ўзбек классик шоирлари қаторида ўзига муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Шунинг учун бизнинг давримизда ҳам Озарбайжон классик адабиётининг ифтихори Фузулийнинг юксак санъаткорлик билан яратилган асарлари қайта-қайта нашр қилинмоқда. Унинг ҳаёти ва ижоди олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтларида диққат билан ўқиб ўрганилмоқда.

Бу асарлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик туйғуларини тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Фузулий асарларининг ўзбек китобхонлари орасида кенг ёйилганлиги, ҳар икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида академик Воҳид Зоҳидов қуйидагиларни ёзади: «Жумладан озарбайжон ва ўзбек халқлари орасида ҳам мана шундай самарали муҳаббат давом этиб келди, ўз даврида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Навоий буюк озарбайжонлик Низомийнинг битмас-туганмас хазинасидан баҳраманд бўлди. Кейин эса озарбайжон поэзиясининг ифтихори бўлган Фузулий Навоийга эргашиб ўзининг «Лайли ва Мажнун» асарини яратди. Озарбайжон халқининг ажойиб фарзанди Фузулий ўзбек халқи орасида узоқ асрлар мобайнида ўқилиб келди. Натижада унинг ўлмас асарлари ўзбек адабиётининг узвий қисмига айланиб кетди.

Ўзбек-озарбайжон халқлари ўртасидаги азалий адабий-маданий ҳамкорликни марҳум академик шоир Ғафур Ғулом ҳароратли мисраларда шундай ифодалаган эди:

«Озарбайжон халқининг кўркам шеъри,
санъати,
Жуда қадим-қадимдан дўстларга ёддош,
Отахон Низомийнинг сўздаги маҳорати,
Шарқдаги кўп шоирнинг ижодига кўмакдош.
Визлар яхши ўқиймиз Фузулий, Видодини,
Асримиз классиги Самад Вургун шеърини.

Ҳ. МУҲАММАДХЎЖАЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ ўзбек адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Ишбоз Оқшоми

ЛОЛА ТЕРДИМ

Лола тердим қирлар бағрини,
Танҳо кезиб авжи субҳидам.
Аммо сени ёдимда тутдим
Дил-дилимдан эслаб ҳар
қадам.
Ошиб ўтдим тоғлар ўркачин,
Лекин асло бўлмадинг унут.
Аҳволимга ачиниб гўё
Инглаб ўтди осмоний булут.
Дасталадим лолаларни мен,
Асрайин деб баҳор селидан.
Сўнг жисмига яширдим аста,
Қон-қонимга сингган севгидан.
Лола билан қайтдим сен томон,
Ноз уйқудан турганда қуёш,
Огоҳ бўлсанг менинг
дардимдан.
Лолаларим олгин, бағри тош...

Одил ТУХТАНАЗАРОВ.

Зуҳра Раҳмонова «Узбекфильм» студиясида беш йилдан бери монтажчилик қиляпти. У «Бешаласи Фарғонадан», «Дилбарим», «Сайёд қўнғироғи» каби фильмларнинг лентaларини тайёрлашда қатнашди.

СУРАТДА: З. Раҳмонова.

Л. Глауберзон фотоси.

БАНКАДАГИ ЁЗУВЛАР

Консерва банкасининг устига бир неча ҳарф ва расмлар ёзилган бўлади.

Камдан-кам харидор бу ҳарфларга эътибор беради. Эътибор берса ҳам, бу нарса унга ҳудди жумбоқдек туюлади. Бу ҳарф ва рақамлар нимани билдиради? Харидор учун аҳамиятга эгами, йўқми?

Консерва банкасидаги рақам ва ҳарфларни унинг паспорти деса ҳам бўлади. Харидор албатта бу паспортни ўқий олиши керак. Консервани қачон, қайси йилда тайёрланганини билиш харидор учун катта аҳамиятга эга. Кўп хил консерва учун уларнинг қачон тайёрланганининг аҳамияти йўқ, чунки улар оддий шароитда бир неча йил сақланиши мумкин. Лекин консерваланган килька, турли хушбўй соусларда тайёрланган сельд ва бошқа кўплина балиқ консервалари, қуюлтирилган сут, какао, кофеларни харид қилаётганда албатта уларнинг тайёрланган вақтига эътибор бериш керак. Гап шундаки, балиқ консерваларини уй шароитидаги холодильникларда бир неча кунгина сақлаш мумкин, сутли консерваларни эса ишлаб чиқарилганидан кейин 6 ойгача сақлаш мумкин.

Консерва паспортини «ўқиш»ни ўрганиб олиш унча қийин эмас. Темир банкадаги консерваларнинг тагида бир неча белги бўлади: олдин ҳарф, кейин эса рақам. Ҳарф консерва тайёрлаган заводнинг группасини билдиради. :К — консерва заводи, М — гўшт-сут саноати заводи, Р — балиқ комбинати демакдир. Бошқа ҳарфлар бўлмайди. Ҳарфлардан кейинги рақамлар ишлаб чиқарувчи заводга берилган доимий номер, охирги рақам эса консерва ишлаб чиқарилган йилнинг охирги рақамини кўрсатади.

Масалан, банканинг тагида Р 1577 деб ёзиб қўйилган. Буни шундай деб ўқилади: 157-балиқ комбинатида 1967 йилда тайёрланган. Айтайлик, банкада М 625 штампаси турибди. Бу консерванинг 62-гўшт-сут саноати заводида 1965 йилда ишлаб чиқарилганидан дарак беради.

Консерванинг юқори қопқоғида бошқа белги: учта рақам, кейин яна бирнеча рақам ёки ҳарф бўлади. Кейинги рақам ёки ҳарфлар албатта алоҳида қаторни ташкил қилиши шарт. Биринчи рақам консерва тайёрланган сменанинг тартиб номерини, иккинчи, учинчи рақам консерва тайёрланган ой ва кунни, кейинги ҳарфлар эса консерва тайёрланган ойни билдиради.

А ҳарфи январь, Б — февраль, Г — апрель, Д — май, Е — июнь, Ж —июль, И— август, К—сентябрь, Л —октябрь, М — ноябрь, Н— декабрь. Консерва тайёрланган ойни билдирувчи ҳарфдан кейинги рақам ёки ҳарф консерванинг индексини билдиради.

Агар банкага 102Л155 ёзилган бўлса, у консерванинг индекси 155, иккинчи октябрь куни биринчи смена томонидан тайёрланган бўлади. Индекс 155 ни махсус справочниксиз аниқлаш қийин, бу харидор учун аҳамиятга эга эмас. Индекс савдо ходимлари ва мутахассислар учун банка ичидаги маҳсулот билан унинг этикеткасини солиштириб текшираётганларида керак бўлади.

Агар справочникка қаралса, индекс 155 «Дудланган салака ёғ билан» деб ёзиб қўйилган.

Баъзи балиқ комбинатларида ёзувни фақат банканинг бир томонига жойлаштирадилар, унинг биринчи қатори завод-нинг номери ва тайёрланган йилини билдиради.

Кўриниб турибдики консерва банкаларидаги ёзувларни ўқий билиш фойдалидир.

Комсомол кўли фақат шанба ва якшанба кун лари дам одувчилар билан гавжум бўлмай балки ҳар куни ана шундай бўлади.

ТОЖИК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Вафосизликдан ёмонроқ хиёнат бўлмайди.

* * *

Мардларнинг жойи майдон.

* * *

Нодонликдан ожизлик яхши.

* * *

Қўрқоқ учун оҳу палангдир.

* * *

Тухум ўгриси туя ўгриси ҳам бўла олади.

* * *

Очкўзлик хўрлик келтирар.

* * *

Сен ўзингдан кетсанг,
Дўстларинг сендан кетар.

Қаламнинг ишини қилич қилолмас.

* * *

Яхши фарзанд-отанинг боғи,
Ёмон фарзанд-отанинг доғи.

* * *

Чирой ҳуси эмас, одоб ҳуси.

* * *

Тили шириннинг дўсти кўп.

* * *

Қоровулнинг уйқиси—ўгрининг чироғи.

* * *

Дунёнинг моли дунёда қолади.
Тожикчадан **Ўлмас ЖАМОЛ** таржимаси.

ЛАТИФАЛАР

Бир куни бир ваъзхон мачитда шундай деди: «Кимда ким ўз хотинидан норози бўлса, ўрнидан турсин».

Ҳамма шу заҳотиёқ ўрнидан турди. Фақатгина Бу Одам ўрнидан турмади.

— Сен ўз хотинингдан миннатдормисан? — сўради ваъз айтувчи ундан.

— Тамоман тескариси, — жавоб берди Бу Одам.

— Бўлмаса нега ўрнингдан турмадинг?

— Хотин ҳақида гап бошланганидаёқ менинг оёқларим кўрқувдан титраб, увишиб қолганди.

* * *

Бу Одамнинг хотинининг ўйнаши кўп эди. Ҳар куни кечаси у бирортасининг уйига кетарди. Буни сезиб юрган Бу Одамнинг ошналари унга шундай дедилар:

— Сен хотинингга тунда сақчишни ман этсанг бўларди.

— Тўғри, — маъқуллади Бу Одам, — мен айтган гапингизни, албатта, қиламан. Қачонки, мен унн уйда кўрсам.

* * *

Бир куни Бу Одамдан бир таниши сўради:

— Дўстим, ўлган қўшнимизникига фотихага чиқасанми?

— Чиқаман, фақат йиғлай олмайман: бугун менинг хотиним ўлган.

Русчадан **Н. ИРИСОВ** таржимаси.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Ясама пуркагич

Шампандан бўшаган юмшоқ полиэтилен флаконини кийим-кечакни дазмоллаш вақтида зарур бўлган мосламага —ажойиб пуркагичга айлантириш мумкин. Бунинг учун бирнеча минут вақтингиз кетади, холос.

Флакон қопқогининг ўртасини қиздирилган нина билан тешинг. Тешик ташқи томондан сал каттароқ бўлиши керак. Шундан сўнг биринчи тешик атрофини доира шаклида айлантириб тешиб чиқинг. Шу тариқа қопқоқнинг тепасида майда тешикчалар ҳосил қилинади. Шуни унутмангки, четроқдаги тешиклар вертикал бўлмай, тобора четга қийшиқроқ бўлиши керак. Шундай қилсангиз сув пуркайдиган мослама тайёр бўлади.

Флаконга сувни тўлдириб қўйманг. Флаконни бармоқларингиз билан сал боссангиз, унинг ичида қолган ҳаво сувни тешикчалардан куч билан қисиб чиқаради. Сув жуда майда заррачаларга айланиб отилиб чиқади ва кийим бир меёрда намланади.

Катта полиэтилен шишани эса шу йўл билан лейкага, агар хоҳласангиз ҳовлингиздаги экинларни дорилаш учун ишлатиладиган пуркагичга айлантиришингиз мумкин.

Металл ўрнига капрон

Қўли гўл одам кўзойнагининг дастасини ушлаб турадиган металл винтча йўқолиб қолса, дарҳол устахонага югурмайди. Капрон ипнинг бир учини (капрон ипнинг йўғонлиги 0,8-1,0 миллиметр бўлиши керак) гугурт чўпи алангасига бироз тутиб турсангиз, эриб қалпоқча ҳосил бўлади. Ипни винт ўрнига қўйиб, унинг иккинчи томонини ҳам гугурт чақиб эритиб, чиқиб кетмайдиган қилиб қўясиз. Капрон ип пишиқлиқда металлдан қолишмайди.

Ручка-қалам

Шарикли ручкада ёзишга ўрганиб қолган кишиларга бир маслаҳат: ручканинг корпуси синиб қолса, унинг ўрнини ЦАК-15 қалами босиши мумкин.

Мослама

Тиш пастасининг бўшаб қолган идишини ташламасдан ундан бошқа мақсадда фойдаланиш мумкин. Пастаси тамом бўлган тюбикнинг пастки қисмини очиб, уни қалам билан текисланг, сўнгра яхшилаб ювиб ташланг. Қуригандан сўнг унга машина мойи, бўёқ ёки клей солиб қўйса бўлади. Агар унга клей тўлдириб қўйсангиз, қопқогида кичик тешикча очиб қўйиш маъқулроқдир.

Англияда спортнинг янги тури—сув чанасида сирғаниш пайдо бўлди. У чана фиброглассдан тайёрланиб, оғирлиги 13 килограммга яқин, узунлиги 1,5 метр.

Чанани ричагни босиб, уни ўнг ва чапга бура олади. Сув чанаси худди сув чангиси сингари катерга уланади. Спортнинг бу янги тури спортчидан маҳорат ва чаққонлик талаб қилади.

СУРАТДА: сув чанаси синовдан ўтказилмоқда.

АП—АПН фотоси.

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

ЯШИННИНГ ИШИ

Бу воқеа 2 майда рўй берди. Самарқанд областининг «Майбулоқ» совхозида жун қирқиш авжига чиққан. Совхознинг 3-бўлими ветеринария фельдшери Нурқувват Қосимов жун сифатини кўриш учун ўз мотоциклида қирқимчилар олдига келди. Шу пайт осмонда қора булут пайдо бўлиб яшин чақнади, момақалдироқ гурилади. Нурқувват Қосимов мотоциклни тепаликка қўйиб жуни олинган қўйлар томон кетди. Шу пайт ёмғир томчилай бошлади, кейин эса челакдан қуйгандек ёға бошлади. Бирдан яна яшин чақнади. Ана шунда мотоцикл эгарида қолдирилган каттакон ва оғир фельдшерлик сумкаси 20 метрлар чамаси осмонга кўтарилди ва ёна бошлади. Одамлар етиб келганда сумка парча-парча бўлиб кетган, шишалар синган. дорилариниг баъзилари куйиб кетган эди, мотоциклниг озгина жойи ҳам куйган эди. Мотоциклни текширишганда унинг аккумулятори зарядланган маълум бўлди. Бу ишларнинг ҳаммасини эса қўкда чақнаган яшин бажарган эди.

БЎРИНИНГ ШЎРИ

Нурота тоғ ёнбағриларида жуда кўп хўжаликларнинг чорвалари боқилади. Кейинги вақтларда чўпонлар оромни тез-тез бузиладиган бўлиб қолди. Бўрилар қўйларни зор қақшатадиган одат чиқаришди. Бу воқеадан Таликул қишлоғида яшовчи довюрак овчи Ашур Мамадиёров хабар топиб, ўз укалари билан қисқа вақт ичида 50 та бўрининг шўрини қуритди. Шулардан 21 тасини бўри инига кириб ушлади, 15 тасини қопқон ёрдамя билан тутди ва қолганларини отиб олди.

Шу кунларда яна бўрилар тўдаси пайдо бўлганлиги тўғрисида моҳир овчи хабардор қилинди. Ашур ака ўз укалари билан бу гал ҳам бўрининг шўрини қуритмоқчи.

ТОШБАҚА ИЛОН ЕЙДИ

Тошбақа ўтхўр ҳайвон. Лекин унинг чирнган кемтик суякларини кемиргани ни ҳам кўпдаб кўрганман. Аммо тошбақанинг илон еганини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Лекин мен бунинг гувоҳи бўлдим.

Баҳор ойларида Нурота тоғлари этаги ўтлар билан қалин қопланади. Шундай кунларнинг бирида бир айланиб келиш истаги билан уйдан чиқиб, бугдойзордан оралаб кетаётган эдим, ёнгинамда бир нарсанинг шитирлагани эшитилди.

Бугдой майсасига арқондай чирмашаётган нарса, бир қарашдаёқ илон эканига ҳеч шубҳа қолмади. Эҳтиётлик билан уйга яқинлашдим. Бош учбурчак шаклдаги заҳарли илон — эфа эди у.

Илоннинг дум томонидан сарғимтил, қора доғли, икки килограммча келадиган тошбақа тишлаб турарди.

Бу ҳол менн жуда ҳайратга солди. Ҳалақит бермай кузата бошладим. Вақт ўтган сари илон адо бўлиб борар эди. Илон ўз қотилига заҳар сочишга ҳаракатча уринмасин у бунинг уддасидан чиқолмас эди. Чунки, тошбақа тўрттала оёгини қалқони орасига йиғиб эҳтиёт чорани ҳам кўриб қўйган эди-да. Ҳар гал илоннинг навбатдаги қисмини ютиш учун тошбақа бошини озроқ чиқарар, илон безовталаниши билан «вишшш» қилиб, қалқони ичига бошини бекитар, тортиб кирилган илон қисмини олдинги бақувват оёқлари орасида тутиб, кейин ютар эди. Тошбақанинг ҳаракатидан у илонни чайнамай ютаётгани аниқ эди.

Кузатишга охиригача етказишга аҳд қилдим. Илоннинг тахминан ярми ютилганда у дармонсизланиб, қаршилиги пасая бошлади.

Масалчи ҳазрати Гулхонийга бечора бўлиб кўринган тошбақа дақиқатлн озоркаш 60 сантиметрли илонни еб тугатган эди.

Шундан кейин қанча вақтдан бери қимир этмай ўтирган тошбақа бўйинини гоз қилиб, овидан ҳурсанд ҳолда яна қаёққадир судралиб кетди.

Ё. ҚАРШИБОЕВ,
аспирант.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

М Е Н И

(БИР ИЧКИЛИКБОЗ ҲИРГОЙИСИ)

Ичкилик заҳри қуриб қолган ўзак қилди мени,
Оқибат гўштимни шилди, қоқ суяк қилди мени,
Суюлиб эрта-ю кеч сумалак қилди мени.
Етти кун ёмғирда қолган гувалак қилди мени,
Сояпар, мудбир, текинхўр суварак қилди мени.
Тўртта улфат бир бўлиб ичдик ботинкамни ювиб,
Кеча ун бирла олинган эски нимча*мни ювиб,
Кўринар кўзга яқин, мис нўза, хумчамни ювиб,
Қора лас, майда қавиқ, серпахта нимчамни ювиб,
Учириб нўкка мисоли пирпирак қилди мени.
Аввало юз-юз билан ошгай эди найфу сафо,
Чиқди ортидин инни юз бошима ёғди бало,
Шул сабаб каллам оғир, жисмимда ақлим норасо,
Танда жоним нотавону, ушбу дардим бедаво,
Ҳоли аҳволим кўриб доктор «брак» қилди мени.
Пуч хаёлни от қилиб миннатчи бўлдим нўхталаб,
Яхшилар йўлга солиб қўйса, урындим шатталаб,
Шумшайиб шому саҳар ишсиз югурдим хафталаб,
Ўрмаган ҳеч нарса йўқ, оғзимга олиб, каппалаб
Билди хушёрхона ўн кунча «неран» қилди мени.
Аввало расво бўлурга бошлади расво ароқ,
Жисми жонимни қутиртирди қилиб гавго ароқ,
Рўпаполикни муссаср айлади барпо ароқ,
Ошиноларга юзим қилди қаро танҳо ароқ,
Элда обрўйим йўқолди бужмалан қилди мени.

Рисқулбек ИСҲОҚОВ, ишчи.

* нимча—қоп маъносида.

Алангали сакраш

Ловиллаётган алангага буркалган одам баланд тепаликдан сувга учиб борпти. Француз Марсель Мей тўпланганларнинг олқишлари остида сакрарди. Нима учун Марсель жонини жабборга бериб, қалтис ҳалокат билан ўйнашяпти. дақшатли алангада сакраш унга нима учун даркор бўлдийкин?

Илгари у сувга сакраш бўйича энг машҳур спортчи эди. Йиллар ўтиши билан кексайиб, ожиб обрўсидан ва таъминотидан маҳрум бўла бошлади. Шундан кейин Марсель пул келтирадиган қалтис ўйинлар билан шуғулланишга мажбур бўлди.

Франциянинг Тула шаҳри яқинидаги кўлга қутқарувчи бўлиб, ишга жойлашган Марсель кучли машқларга киришади. Шундан кейин у «алангали сакраш» ни намойиш қилади. Марсель аъзойи баданига керосин қуйиб, кийим-кечакларини ёқади-да, 20 метр баландликдаги минорадан сувга сакрайди.

Ўйин тамом бўлгач. Марсель Мей томошабинлардан пул йиғиб, унинг бир қисмини етим болалар тарбияланадиган уйга ҳадя қилади, бир қисмини эса ўзига сарфлайди. 60 ёшли спортчи бир неча бор куйган бўлса ҳам, ўзининг хавфли машғулотини ташлаш ҳақида ўйламаётир. Марсель ана шундай қалтис ўйинлар учун пул тўлашларини яхши билади.

СУРАТДА: «алангали сакраш» (чапда) ва Марсель Мей сакрашдан кейин.

«Бунте иллюстрирте» фотоси. АПН.

Хандалар

— Электр қўнғироқни тузатиб бераман, деган эдингиз, нега келмадингиз?— сўрапти бир хотин монтёрдан.

— Кечирасиз, хоним, мен уйингизга уч марта келдим. Ҳар келганимда қўнғироқ қилдим. Ҳеч ким эшик очмагач, нима қилай, ахир, қайтиб кетавердим-да, — дебди монтёр.

* * *

— Қани, ростини айт-чи, мен сизларникига меҳмонга келганимда ҳурсанд бўласанми?— сўрапти амакиси Луизадан.

— Бўлмасам-чи, ахир, сиз ҳар келганингизда: «Бурнингиз нима сабабдан қизил»,—деб сўрамаганим учун ойим менга 10 пфеннг беради-да,— депти Луиза.

* * *

— Нечта балиқ тутдинг деб, сўрапти шеригидан бир балиқчи.

— Шунчалик кўпки, санаб хисобига етолмайсан, депти у.

Балиқчи қараса битта ҳам балиқ йўқ эмиш.

— Ахир, битта ҳам йўқ-ку, ажабланибди у.

— Шунинг учун ҳам санаб бўлмайди дедим-да,—жавоб берибди дўстига ўртоғи.

Немисчадан **Шавкат ЁҚУБОВ** таржимаси.

Врач танишга:

— Бугун хотинким ларингологга бориши керак, — деди.

— Нима учун? Ахир, ўзинг ларингологсан-ку?

— Тўғри. Лекин мен даволаш учун кўп ҳақ оламан-да.

* * *

— Бугун мен врачга бориб, хотирам ёмон бўлиб қолганлиги ҳақида шикоят қилдим.

— Хўш, у нима деди?

— Олдиндан ҳақ тўлашим кераклигини айтди.

* * *

— Гениаллик ҳам касалликдир — дейишади.

— Ҳаворнр бўлманг, кўринишингизден жуда соғломсиз.

Русчадан **Қ. АҲМЕРОВ** таржимаси

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3-бет

11 МАЙ, 1968 й.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

11

МАЙДА
ШАНБА

Биринчи

18.00 Таниш куйлар.
18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).
19.20 «Чаман ичра» деган концерт (ўзбекча).
20.00 «Дугоналар» радиожурнали. Такрорий эшиттириш.
21.00 «Кардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча).
21.10 «Қишлоқ радиоклубида» (ўзбекча).
22.20 «Шанба оқшоми» деган концерт.
23.10 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

Иккинчи

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча).
19.30 Ф. Хўжаев. «Марфа опа» деган радиоҳикоя (русча).
20.00 Тожик ва ўзбек артистлари ижросида афғон қўшиқлари.
20.30 Озарбайжон куйлари.
20.50 «Проблемалар, тадқиқотлар, ўйлар» (русча).
21.00 Рақс куйлари (русча).
21.30 Енгил куйлардан концерт (татарча).

12

МАЙДА
ЯКШАНБА

Биринчи

6.15 Тонгги концерт.
8.25 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари.
9.30 Ўзбек халқ куйлари.
9.50 «Самарканд пойизининг янги навлари» деган корреспонденция (тожикча).
10.10 Концерт (русча).
11.15 «Ахолига — граждан мудофааси ҳақида» деган эшиттириш (русча).
11.25 Балетлардан парчалар.
12.15 «Замондошларимиз» (ўзбекча).
13.30 Классик куй шинавандалари учун концерт.
16.10 Ёшлар учун музикали соат.
16.50 «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча).
17.00 Татар куйлари.
18.00 В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан. Тарих фанлари кандидати М. Новиковнинг «Ленин ва тинчлик учун кураш» деган суҳбати (ўзбекча).
18.10 Кинофильмлардан қўшиқлар.
19.20 Халқ ҳофизларининг концерти.
20.00 «Узбекистан индустриальний» радиожурнали (русча).
20.30 Саноат ходимлари учун концерт.
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).
21.10 Куйлар.
21.30 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «Партия интервенция ва гражданлар уруши даврида» деган иккинчи суҳбат (ўзбекча).
22.20 Эфирда — қувнок қўшиқлар.
22.40 «Алишер Навоий халқ фикру ёдида» деган суҳбат (ўзбекча).
23.15 Лирика кечаси.

Иккинчи

8.25 Эстрада куйлари.
9.15 Реклама ва эълонлар.
19.00 Область театрлари артистларининг концерти.
19.30 А. Шнитке. «Нагасаки» ораторнясидан парчалар (русча).
20.00 Дала механизаторлари учун концерт.
20.30 Социалистик мамлакатлар халқларининг куйлари.
21.00 Шу куннинг ҳикоялари (ўзбекча).
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Учинчи

14.00 А. Серов. «Душман кучи» операсидан саҳналар.
17.00 М. Ашрафий. «Дилором» операсининг монтажи.

13

МАЙДА
ДУШАНБА

Биринчи

6.15 Тонгги концерт.
8.25 «Эрталабки салом» деган концерт.
9.15 Туркистонда суғориш ишлари ҳақида Ленин декретининг 50 йиллигига. Иқтисод фанлари кандидати А. Мамедовнинг «Рўёбга чиққан гоя» деган суҳбати (ўзбекча).
9.30 Романслар.
9.50 «Дўстлар учрашуви» деган репортаж (тожикча).
10.10 Н. Холмамедов. «Туркманистон» симфоник лавҳалари.
10.30 Ўзбек давлат филармонияси артистларининг концерти.
11.15 «Янги система асосида» деган эшиттириш (русча).
11.25 Б. Гиенко. «Узбекистоннинг лирик манзаралари».
12.15 «Октябрь революцияси номли». Украина радиосининг эшиттириши.
13.30 Бутуниттифоқ радиоси концерт-эстрада ансамблининг концерти (русча).
16.10 «Горький ва музика» (ўзбекча).
16.50 «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча).
17.00 Татар куйлари.
17.20 «Баҳор табассуми» деган музикали-адабий эшиттириш (қозоқча).
18.00 З. Йўлдошевнинг «Халқлар дўстлиги — ютукларимиз гарови» деган суҳбати (ўзбекча).
18.10 Халқ қўшиқлари (ўзбекча).
19.20 Рақс куйлари (ўзбекча).
20.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси.
20.30 Ёшлар учун концерт (русча).
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).
21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.
22.30 Ҳамза номли театрнинг «Ҳамза» спектаклининг монтажи.

Иккинчи

8.25 Совет композиторларининг қўшиқлари.
9.15 Реклама ва эълонлар.
19.00 Ўзбек куйларидан концерт.
19.30 «Жўрабек Муродов куйлайди» деган музикали эшиттириш (русча).
20.00 Ўзбекистонда тожик маданияти декадаси олдидан. Ф. Ниёзий. «Зенитчи» деган ҳикоя (тожикча).
20.30 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт (ўзбекча).
21.00 «Ёзувчи — ёзувчи ҳақида». Ғафур Ғулом Ҳамид Олимжон ҳақида (ўзбекча).
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Учинчи

14.00 Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан. Ойбек. «Навоий» радиопостановкаси (русча).
16.00 Ўзбекистон композиторларининг балет куйлари.
17.00 Мақомлардан парчалар.
18.00 Муқимий ва Фурқат ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1968 йил 23 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ижтимоий фанлар бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория) юридик фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун

Ф. Н. Аҳмедов: «1923 —1934 йилларда ЦКК—РКИнинг ташкил топиши ва фаолияти» деган темада.

* * *

1968 йил 23 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг биология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 133-аудитория) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

К. Тайжанов: «Олойнинг алкалоидли ўсимликлари» деган темада.

А. Файзиев: «Кумузум биологиясига оид материаллар» деган темада.

* * *

1968 йил 23 май кундуз соат 3 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг геология-минералогия фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 71-аудитория) геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

В. Я. Ильяшенко: «Ўзбекистон ва унга қўшни ўрта Осиё районларида мезозой ва кайнозой давр фосфоритларининг геологияси ҳамда уларнинг геологик жойланиш қонуниятлари» деган темада.

* * *

1968 йил 23 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети механика-математика факультетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 163-аудитория) физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Ш. Маматқулов: «Суюқлик моддаси бўлган резервуар ўрнатилган иншоотлар тебранма ҳаракати назариясига доир» деган темада;

Р. С. Байбулатов: «Нормал ярим группаларда сонлар назариясининг айрим аҳтимоллик масалалари» деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1968 йил 23 май кундуз соат 12 да, Тошкент, Қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Ялонғоч қишлоғи, 60-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Джаясвал Анируд Прасад: «Ғўза сўрувчи зараркунандаларга қарши курашда системали препаратларнинг фойдалилиги» деган темада;

Верма Удай Кумар: «Мирзачўлда вертикал дренаж фонида экилган турли ўсимликларнинг тупроқ тўрини йўқотишга таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент области, Оржаникидзе райони, Ялонғоч қишлоғи).

1968 йил 24 май кундуз соат 2 яримда, Тошкент политехника институти механика ва самолётсозлик факультетларининг илмий совети мажлисида (Шайхантаур кўчаси, 10-уй) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Ғ. Ш. Зокиров: «Баъзибир техникс механизмларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида синтез қилиш» деган темада;

Г. Г. Тютюнов: «Параллел ўқиш позициясида сонли программада бошқарувчи металл қирқиш станокларининг ўқиш ускуналари приводининг тез ишлаши ва мустаҳкамлилигини текшириш» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Навоий кўчаси, 13-уй).

1968 йил 30 май кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Я. Колас кўчаси, 28-уй, Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти конференц-зали) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

А. М. Мялковский: «Улама тасвирларни аниқлашнинг моделини тузиш ва алгоритмлаш» деган темада;

В. М. Домрачев: «ЭВМ ёрдами билан карьерлар темир йўли транспортини бошқариш процессини алгоритмлаш ва у системаларни илмий текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (Я. Колас кўчаси, 28-уй).

1968 йил 3 июнь кундуз соат 2 да, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти конференц-залида (генерал Петров кўчаси, 51-уй) медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Л. Б. Платонова: «Эндимин бўқоқ касалликлари районида (Ридель ва Хашимото бўқоғи) сурункали тиреоидик касаллигини клиник-морфологик текшириш» деган темада;

И. Х. Шомирзаев: «Миянинг суягининг асосидаги кўндаланг томография» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ
2-«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ»
ТРЕСТИНИНГ
8-МЕХАНИЗАЦИЯ
БОШҚАРМАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда минора кранлари машинистлари тайёрлайдиган 2 ойлик курсга

18 ёшдан бошлаб 6-10 синф ҳажмида маълумотли кишиларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Қабул қилинганларга стипендия тўланади.

Елгизлар ётоқхона, оилалилар — 2 йиллик муддатда квартира билан таъминланадилар.

Машғулотлар 15 майдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қизил партизан кўчаси, 50-уй (10, 14, 36-автобуслар, 7, 10-троллейбуслар-нинг «Компрессор» заводи бекати).

РЕСПУБЛИКА ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ЗАВОДИГА

ишчилар, инспектор-методистлар, бухгалтерлар, инженер-химиклар, техник-пойафзалчилар, слесарлар, пойафзалчилар, ювчилар, металл бўйича шлифовчи, гипсчилар, электр монтёрлари

КЕРАК

Иш бир сменали.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 52, Механический кўчаси, 5-«а» уй (4, 5-троллейбуслар, 21-автобуснинг Куйбишев номли майдон бекати).

ТОШКЕНТ «РАССВЕТ» БАДИЙ КОМБИНАТИГА

молячи, иқтисодчи, кассир, дурадгорчилик цехи мастери вазифасига дурадгорчилик бўйича техник, юк автомашинаси шоферлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Цеховая кўчаси 32-уй (7, 9, 11, 14, 15-трамвайлар, 3, 18, 23, 54, 59, 2-автобусларнинг «Жалиева» бекати).

ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ ЙЎЛ БОШҚАРМАСИ АВТОБАЗАСИГА

автомашина ремонти бўйича матта механик, 3, 4, 5-разрядли слесарлар, тугал балансга матта бухгалтер, моддий ва ҳисоб-китоб бўлими бухгалтери, 1 ва 2 класс шоферлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 16-уй.

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчи, тўқувчи, арқоқчи, съёмкачи, ўровчи, зарядчи, тароқчи, тростилчи, лентачи, тикувчи, лаборант, ўлчовчи, қабул қилувчи насбларига ўргатиш учун 17 ва ундан катта ёшдаги қизлар; қоровуллар, фаррошлар, токарь, слесарь, электромонтёр, сувоқчи, гишт терувчи, дурадгор, прессчи, гилоф тайёрловчи, ранг тайёрловчи, жабдуқчи, транспортировчи, оқловчи, ошпазлик ҳунарига ўргатиш учун 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар; мастер, рационист, гравёр ёрдамчилиги ҳунарига ўргатиш учун Совет Армияси сафидан бўшатилган йигитлар

КЕРАК

Комбинат қошида икки йиллик умумий таълим кечки ишчи-ёшлар мактаби, кечки техникум, институтга киручиларни тайёрлайдиган курслар мавжуд.

Бошқа шаҳардан келган қизлар ва Совет Армияси сафидан қайтган йигитларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 6-уй, 4-хона (7, 9, 11, 14-трамвайлар, 2-троллейбуснинг «Физкультурная» бекати).

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА

ёзги мавсумда ишлаш учун **официантлар, фаррошлар, идиш-товоқ йиғувчилар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғи, 3-ошхона.

«Висотстрой» трестининг 17-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳар марказида баланд бинолар қурилишида ишлаш учун

арматурчилар, дурадгорлар, гишт терувчилар

КЕРАК

Елгиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленинградский кўчаси, 19-уй, кадрлар бўлими.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ

11

МАЙДА
ШАНБА

Биринчи

(3-КАНАЛ)
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
18.20 Телевизион янгиликлар.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Олов қалбли кишилар».
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.00 Интервидение. Эфирда «Молодость».
21.00 «Огонек».
22.00 «Етти кун».
22.30 ФУТБОЛ бўйича Европа биринчилиги. «СССР — ВЕНГРИЯ». Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
00.20 «Дўстлик» экрани. «Кул ва олмос». Бадиий фильм.
02.00 Интервидение. «Музикали фантазия». Дам олиш программаси.
02.25 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

(5-КАНАЛ)
МОСКВА КЎРСАТАДИ
18.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун концерт.
18.30 Рангли телевидение программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.00 «Шанба, нонуштадан сўнг». Дам олиш программаси (такрорий эшиттириш).
20.40 Совет Шарқи куйларидан концерт.
21.30 «Унутилмас баҳор». Бадиий фильм.

Учинчи

(9-КАНАЛ)
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ
19.00 Рус тилида янгиликлар.
19.15 «Ярим аср йилномаси» циклидан берилаётган кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1947 йил ҳақидаги серияси.
20.15 «Ойи, мен солдатман». Бадиий фильм.
22.00 Тожик тилида ҳафта янгиликлари.
22.15 «Севимли диёрим». Адабий-музикали композиция (тожик тилида).

12

МАЙДА
ЯКШАНБА

Биринчи

(3-КАНАЛ)
17.55 Эшиттиришлар программаси.
Рус тилида:
18.00 Ўсмирлар учун. «Қизил елканлар». Телепрограмма.
18.40 Телевизион янгиликлар.
18.55 Болалар учун. «Қуён ва қудуқ», «Дарё қароқчилари» деган кинофильмлар (ўзбек тилида).
19.15 «Яхши кайфият». Дам олиш программаси.
Ўзбек тилида:
19.50 Телевизион янгиликлар.
20.05 «Ота-оналар университети».
20.45 «Ярим аср йилномаси» циклидан кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1935 йил ҳақидаги серияси.
21.45 Шоира Зулфия — студиямиз меҳмони.
22.15 Сабзаворкорлар учун. «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси.

Иккинчи

(5-КАНАЛ)
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.00 Ўқувчилар учун эшиттириш.
20.30 Қаҳрамонлик ҳақида ҳикоялар.
21.00 Г. Майборода операси. «Тарас Шевченко». Киев Давлат опера ва балет театрининг спектакли. Танаффус вақтларида «Вақт» информацион программаси.
24.00 Санъат усталари. СССР халқ артисти Б. Бабочкин.
01.15 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

(9-КАНАЛ)
17.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

13

МАЙДА
ДУШАНБА

Биринчи

(3-КАНАЛ)
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Ургут ўқувчиларининг концерти (ўзбек тилида).
Рус тилида:
18.40 Телевизион янгиликлар.
18.50 Совет Армияси жангчилари учун. «Каҳрамон взвод командири». Телефильм.
19.10 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
19.15 «КПСС ва оммани интернационал руҳда тарбиялаш» деган темада суҳбат.
19.30 Телевизион янгиликлар.
19.40 «Руставели изидан». Телефильм.
20.25 Ингичка толали пахта усталари.
20.45 Тожик адабиёти ва санъатининг Ўзбекистонда бўладиган декадаси олдидан. «Звезда Востока» журнали адабий клуби. Эшиттириш рус тилида Тошкент ва Душанба телевидение студиялари ҳамкорлигида ташкил этилган.
21.45 Телевизион театр. Нозим Ҳикмат. «Хокисор».

Иккинчи

(5-КАНАЛ)
Ўзбек тилида:
18.30 Ўқув эшиттиришлари программаси. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун математикадан машғулот.
19.30 Ўқувчилар учун эстетикадан «Инсоннинг гўзаллиги нимада?»
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.00 Эшиттиришлар программаси.
20.05 Телевизион янгиликлар.
20.15 «Шаҳарларнинг музикали турнири».
21.00 Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги.
21.30 Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчиларн учун. КПСС тарихидан учинчи эшиттириш.
22.00 Санъат фестивалининг якунловчи концерти Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Вақт» информацион программаси.
01.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

(9-КАНАЛ)
18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

КИНО

11 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

Замонамиз қаҳрамони — «ВОСТОК», «УЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Фарҳод жасорати — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Анна Каренина — «ЧАЙКА» (кеч соат 6.45 минутда ва 9 яримда). САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6.15 минут ва 9 да).

«Авлиё Януарий» операцияси — «МОСКВА» (кеч соат 6 да).

12 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анна Каренина — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6.15 минут ва 9 да), «ЧАЙКА» (кеч 6.45 минут ва 9 яримда).

Замонамиз қаҳрамони — «ВОСТОК», «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Шўнгувчи бомбардимончи хроникаси — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Фарҳод жасорати — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сув париси тасвирланган узун — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.45 ва кундуз 3.15 минутда).

«Авлиё Януарий» операцияси — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 6 да).

Золушка — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Замондошинг — «РАКЕТА».

Лўли — НАВОИЙ номли.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 12/V да Оққуш кўли.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да Алжонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да Қизбулоқ, 13/V да Гули сиёҳ.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

13 май кеч соат 6 яримда

Совет Иттифоқи биринчилиги учун «РАССВЕТ» (Красноярск) — «Политотдел» (Тошкент области) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

билет тарқатувчи район кассирлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уй.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Квартира телефонларидан кредитга гаплашиш учун имконият яратиб берилган абонентлар ўзларига шундай ҳуқуқ берилган кундан бошлаб гаплашганликлари учун счётни **беш кунлик муддатда тўлашлари кераклигини Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси эслатиб ўтади.**

Счёт олинган кундан сўнг 15 кунлик муддатда тўланмаса, абонент телефони узиб қўйилади ва қарзлари эса белгиланган тартибда ундирилиб олинади.

Қарзлари бўлган абонентлардан тез кунда тўлашларни сўралади.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

катта техниклар: механик ускуналар, вентиляция, совлаш бўйича; **вентиляторчи машинистлар, слесарлар:** механиклар, электриклар, сантехниклар; **лифт техниклари, подстанция электриклари, ёруғлик бўйича катта рассом, электр билан ёритувчи, алоқачи инженер, фаррошлар, бухгалтер, кассир иннассатор, машинистка**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими, эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача. Телефонлар 4-57-75, 4-32-93.

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
13 майда

СИЗ СЕВГАН АРТИСТЛАР ҚОНЦЕРТИ

Қатнашадилар:
Ўзбекистон ССР халқ артистлари
Шаҳодат РАҲИМОВА, Қундуз МИРКАРИМОВА, Ғулом АБ. ДУРАҲМОНОВ, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қувондиқ ИСКАНДАРОВ.
Солистлар:
Зокиржон СУЛТОНОВ, Исҳоқ ҲАТАЕВ, Сора ШУКУРОВА, Тўхта НАЗАРОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Тўхта РИСМЕТОВА, Санда ТОЛИБОХУНОВА.
Ўзбек Давлат филармонияси хор капелласи. Капелланинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдуқаҳҳор СУЛТОНОВ
Ўзбек халқ чолғу ансамбли.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Карим АЛИЕВ, Ғофур АЗИМОВ.
VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анбар ЯЎЛДОШЕВ, Халил ҚОДИРОВ, Умар ҲАМИДОВ, Турсун УТБОСАРОВ
Программани олиб боради — Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ.
5-абонемент билан концертга кириш мумкин.
Концерт неч соат 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

Тошкент ақшоми 4-бет

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор — 3-02-49 дан 3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — 3-29-33 3-29-09; масъул секретарлар — 3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 3-27-57; ахборот бўлими — 3-65-57; эълонлар бўлими — 3-81-42.

11 МАЙ, 1968 Й. Р-02464. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2404.